ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION Of TRADE UNIONS Of UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


13 август, пайшанба 1998 йил №95 (597)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 7 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА 18 КУН ҚОЛДИ

## Тошкентда «Кока-кола»нинг янги заводи очилди

**Тошкентда «Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» қўшма корхонасининг янги «Мега- завод»ини тантанали очиш маросими бўлди.**



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Бу - «Кока-кола» компанияси мамлакатимизда қурган бешинчи ҳамда энг йирик заводдир. Унинг умумий майдони ўн гектардан кўпроқ бўлиб, икки гектарини усти ёпилган ишлаб чиқариш бинолари эгаллаган. Қиймати 55 миллион доллар бўлган замонавий корхона жуда қисқа муддат - бир йилдан сал ошиқ вақтда қуриб битказилди. Завод лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига «Кока-кола» маркаси ёпиштирилган 300 миллион литр газли чанқоқбосди ичимлик ишлаб чиқарилади. Ҳозир ичимликларни идишларга қуядиган иккита линия ишга туширилган. Кейинчалик бундай линиялар олтитага етади.

Компаниянинг Марказий Осиёдаги бу энг йирик заводида 160 дан ортиқ янги ишчи ўрни барпо этилган. Шу тариқа, бевосита «Кока-кола» тизимида ишлаётган Ўзбекистонликлар сони икки мингтага яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, компания республика бозорида иш бошлаганидан буён ўтган беш йил ичида, маҳаллий маҳсулот етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни ҳам ҳисобга олганда, «Кока-кола» компанияси деярли йигирма мингта иш ўрнини ташкил этди. Мамлакат иқтисодиётига сарфланган инвестициянинг умумий ҳажми 140 миллион долларни ташкил этади.

«Мега-завод»да ғоят сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари, «Кока-кола» компаниясининг Ўзбекистондаги ходимлари чанқоқбосди ичимликлар бизнесининг жаҳон андозалари бўйича ўқитилади. Тез орада унинг эшиклари мактаб ўқувчилари ва талабалар, турли ташкилотлар учун ҳам очилади. Экскурсия чоғида ҳар бир киши корхона, унда ўрнатилган энг янги ускуналар ва ажойиб иш шароити билан танишиб, мамлакатимизда шу қадар юқори технологияга асосланган корхонани қуриш ва ишлатиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилади.

Завод бунёдкорлари пойтахтнинг Бектемир туманида янги корхонанинг қурилиши республиканинг «кока-кола» ичимлигини севиб қолган аҳолисининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беришгина қолмай, айни пайтда Бектемир туманининг саноати ривожланишига туртки бўлади, бу ерга бошқа хорижий инвесторларни жалб этади, деб умид қилмоқда.

Заводни очиш маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

Заводни очишга бағишланган маросимда Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов, «Кока-кола» компанияси Европа гуруҳининг президенти Уильям П.Кейси иштирок этди.

/ЎзА/

*Истиқлол мушоираси*

### ВАТАН ТУЙҒУСИ

**Эркин руҳ, тоза қалб, озода нафас,**
**Неча аждодларим шони, орзуси.**
**Бизга нондай азиз, жондай муқаддас-**
**Буюк Ўзбекистон.**
**Ватан туйғуси!**

**Бунда ўзлигимиз буткул мужассам,**
**Дилларни ёритар унинг ёғдуси.**
**Дилдаги энг олий қудратдир кўркам,**
**Буюк Ўзбекистон.**
**Ватан туйғуси!**

**Кўп юртлар, диёрлар бор жаҳон ичра,**
**Бордир ўз манзили, ўзин қомуси.**
**Ва, лекин гавҳардир жисму, жон ичра**
**Буюк Ўзбекистон.**
**Ватан тўйғуси.**

**Чексиз бир жасорат юрт ичра ҳоким,**
**Кундан-кун ортгайдир довруғ-обрўси.**
**Ўз элим, ўз тилим, ақлу идроким -**
**Буюк Ўзбекистон.**
**Ватан туйғуси!**

**Диёрим жаҳонга очмиш ёруғ юз,**
**Истиқлол - юртимнинг ору, номуси.**
**Ҳар қалбда бамисли энг равшан юлдуз -**
**Буюк Ўзбекистон.**
**Ватан туйғуси!**

**Жуманиёз ЖАББОРОВ.**

«Истиқлол мушоираси»нинг давомини 4-саҳифада ўқийсиз.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### ЁРДАМ МАБЛАҒЛАРИ КЕЛМОҚДА

**Халқаро валюта жамғармаси томонидан Россияга ажратилган ёрдам маблағларидан 300 миллион долларга яқини Москва банкига келиб тушди. Ушбу бошланғич маблағ Россияда ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва шахтерлар ойлигини тўлашга сарфланади.**

### АҚШ МУКОФОТ ВАЪДА ҚИЛМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Африка мамлакатларидаги АҚШ элчихоналари олдида портлаш содир этган кишиларни айтиб берган одамга 2 миллион доллар мукофот беришни ваъда қилди. Бу ҳақда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним маълум қилди.

### ҚУРОЛ ЎҒРИЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Жанубий Африка Республикасида қурол-яроғ ўғрилиги тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, шу кунларда Блумфонтейн шаҳридаги қурол-аслаҳа омборидан ўқ-дорига лиқ тўла юк машинаси ўғирлаб кетилди.**

### МЕТЕОРЛАР ЁМҒИРИ КУТИЛМОҚДА

Сайёрамиз шу йилнинг ноябрь ойида фазодаги Леонида номли метеор оқими таъсирига тушиб қолади. Бу жараён давомида Ерга бутун ноябрь ойи давомида метеорлар ёғилади. Ерда яшовчиларга метеор ёмғири ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Сайёрамизга етиб келгунича метеорлар жуда майдалашиб кетади, уларнинг айримлари ҳатто инсон соч толасидан ҳам ингичка бўлиб қолади. Аммо Ер атмосферасидан тепароқда учиб юрган космик кемаларнинг аҳволи чатоқ бўлиши мумкин. Чунки Ер атмосферасига кирмасдан олдин метеорлар жуда қаттиқ ва тезучар бўлиб, космик кемаларни тешиб юбориши ҳам мумкин.

### МАСХАДОВ ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

**Туркия ва Америка Қўшма Штатларига сафар қилган Президент Аслан Масхадов ватани Чеченистонга қайтиб келди. Аслан Масхадовнинг баёнотига кўра, Чеченистон дунё давлатлари билан кенг ҳамкорлик қилиш йўлидан боради. Бироқ бу йўлда Россия Федерацияси билан маслаҳатлашиб иш кўради.**

### ЕВРОПА ЁМҒИРГА ЗОР

Европанинг айрим давлатларида кун тобора исиб бормоқда. Ҳозир Франциядаги ҳарорат жуда кўтарилиб кетган. Парижда 37 даража иссиқ бўлиб, шаҳар аҳли кўчага чиқмай қўйди. Ҳукумат шахсий автомашиналарнинг қатновини ҳамда атрофни ифлослантирувчи заводлар фаолиятини чеклаб қўйди.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида**

*ИЗҲОРИ ДИЛ*

## ОЗОДЛИК ОРЗУ ЭДИ

**1. Истиқлол сизнинг тақдирингизда.**
**2. Мустақилликнинг еттинчи йили. Қандай ўзгаришларни ҳис этаяпсиз? Кўраяпсиз?**
**3. Мустақил она юртнинг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз?**

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА, шоира**

1. Ватан озодлиги аввал менинг тушларим, орзуларим, соғинчларимда эди. Шеърларимда рамзларга ўраб айтардим.

**Ғурур ўссин кўксингда**
**Қашшоқмисан, йўқ Ёлғон.**
**Еринг, эркинг ўзингда,**
**Жуда бойсан, Ҳиндистон.**

деб ёзган эдим саксонинчи йилларда «Ҳиндистонга мактуб» шеъримда. Аслида бу менинг Озодлик соғинчини айтишимнинг бир усули эди. Леся Украинканинг шеърларини таржима қилганман.

**Қандай озод этамиз ҳақни,**
**Қандай янги дунё қурамиз.**
**Танитамиз ўзига халқни,**
**Нима қилсак, синмайди умид**
**Айт, эрксизлар нима қилсин, айт?**

Бу таржима ҳам саксонинчи йиллар маҳсулоти пинҳон орзулар эди. Хуллас, биз ижодкорлар ё сукут сақлашга, ё ана шундай турли-туман воситалар билан сўзимизни минг бир пардага ўраб айтишга маҳкум эдик.

Мустақиллик бизга тўғри сўзлаш ҳуқуқини берди, ўйлаганимизни ўйлагандай ёзиш ҳуқуқини берди (Бу ҳуқуқдан қандай фойдаланяпмиз - бу энди бошқа масала. Бу масала бизнинг кучимиз, иқтидоримиз ва виждонимизга боғлиқ). Мустақиллик менинг тақдиримга: «Сен ҳам ҳамма миллатлар қатори одамсан, ўзингни ўзинг бошқаришинг мумкин, ўйлашинг иш қилишинг, яшашинг мумкин» деган буюк Ёрлиқ билан бойитди. Мен бу Ёрлиқни Тангрининг ишонч хатидай қабул қилдим.

2. Озодлик бу фаровонлик, тўкин-сочин, беғам, беташвиш яшаш дегани эмас. Балки, шунинг учун ҳам Мустақилликнинг дастлабки йилларида одамлар бироз карахтланиб олишди. Совун, шакар, ёғ танқислигидан довдирашди. Билиб-билмай «Мустақиллик бизга нима берди?» тарзида гапириб ҳам юборишди. Ислоҳот борасида ўзгартириш қилмоқчи бўлганларнинг кўпи ҳам иқтисод тушунчасига маҳкам ёпишиб олишди. Аммо мустақилликнинг еттинчи йилига келиб биз ҳамма ўзгариш инсон қалбидан бошланишини англай бошладик. Аввалларі сафарларга борсам одамлар «Мана мунча» дея кўпроқ рақамлар билан иш кўламини тасвирлашга киришарди. Ҳозир қанақа, қандай деган саволларга жавоб айтишади. Жамият сифат ўзгаришига кирмоқда. Мени маърифат соҳасидаги ислоҳотлар жуда суюнтиради. Албатта, мен илк машиналаримиз билан ҳам, қурилаётган мўъжизасимон бинолар, сон-саноқсиз қўшма корхоналар, хорижга экспорт қилинаётган маҳсулотлар - бари-бари билан ғурурланаман. Аммо менинг асосий фахрим - билимдон, онгли ёшлар. «Мен эртага истеъдодим, кучимни Ўзбекистоннинг буюклиги йўлида сарф қиламан» деб ростдан: дил-дилидан айтаётган ёшлар. Менинг еттинчи йилдан топган салмоқли қувончим - шулар.

3. Баъзан ўз имконим етмаган Озодлик тўсиқларига дуч келганда руҳсизланаман. «Агар одамлар руҳияти қуллик шу тарзда давом этаверса, қачон миллат сифатида шаклланамиз?» деган оғриқдан бир лаҳза озорланман. Лекин ўзимга ўзим: «Етти йилда етмиш йил ўзгаришлари бўляпти-ку. Яна ўн-ўн беш йилни кўз олдингга келтир» дейман.

Қуёшимиз - ўтли, сувимиз бор, бойликларимиз, Еримиз бор, меҳнаткаш, бардошли халқимиз бор. Муҳими, тақир саҳрода кўкармаганмиз. Олтин мевали дарахт илдизидан унган ниҳоллармиз. Насиб қилса, яна кўклаб, шовуллаб кетармиз. Фақат биз кўкаришга жон-жаҳдимиз билан интилишимиз шарт. Болаларимизни илм ва яна илм, ҳунар сўқмоқларидан юритсак, ўзимизни силкитиб, кераксиз чанг, ғуборлардан тозаласак, дунёдаги ҳамма ҳавас қиладиган миллатлар қаторига ўтамиз. Умид шу.

*Истиқлол истиқболи*

## МУСТАҚИЛЛИК ЮКЛАГАН МАСЪУЛИЯТ

***Қишлоқ хўжалигида ислоҳотни амалга оширмай туриб, кўнгилдагидек натижаларга эришиш қийин. Қишлоқ хўжалигида 1998-2000 йиллар мобайнида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган республика дастурининг қабул қилиниши ҳам худди шу мақсадга йўналтирилганди. Унинг муваффақиятли равишда амалга оширилиши кўп жиҳатдан жойларда фаолият кўрсатаётган касаба уюшмалари ташкилотларига ҳам боғлиқ. Хўш мустақиллик шароитида ушбу муҳим дастурни муваффақиятли амалга ошириш учун касаба уюшмалари ташкилотлари қандай амалий чоралар кўрмоқдалар?***

Мухбиримиз республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси Мансурбек Султонов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

***- Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, касаба уюшмалари ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Биз тобеликдан қутулиб, мустақил равишда ташаббус кўрсатиб фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлдик, шу ҳақда нима дея оласиз?***

- Республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон касаба фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда касаба уюшмаларининг мустақиллик даври фаолиятини аниқ-равшан белгилаб берган эдилар.

Шу ўринда кишида савол туғилади. Касаба уюшмаларининг таркибий тузилиши, иш услуби замон талабига жавоб беряптими? Фаолларнинг дунёқараши, ишга муносабатида қай даражада ўзгариш юз бермоқда? Эндиликда биз касаба уюшмалари раҳбарлари фаолиятимизнинг ижобий натижа бериши учун шулар ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур.

Айни пайтда тармоғимизда Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, 181 район ҳамда шаҳар қўмиталари, 7 минг 727 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар 3 миллиондан зиёд аъзони ўз атрофига бирлаштирган.

Маълумки касаба уюшмаларининг асосий бўғини бу бошланғич ташкилотлардир. Шу сабабли ҳам биз уларнинг ташаббускорлиги ҳамда жанговорлигини ошириш борасида барча чораларни кўряпмиз.

**- Шундай экан, қишлоқда энг оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмалари ўз зиммасидаги вазифани қай даражада бажармоқда? Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини қатъий туриб ҳимоя этадиган даражага етганми? Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

- Бу саволингизга касаба уюшмалари имконият даражасида бу ишларни амалга оширмоқда деб жавоб беришим мумкин. Айни пайтда касаба уюшмалари қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилувчиларнинг дам олишларини ташкил этиш, соғлиғини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳар бир бошланғич ташкилотда кам таъминланган, кўп болалик оилалар рўйхати бўлиб, улар хўжаликлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан баҳоли-қудрат таъминланилмоқда. Улар учун сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларини меҳнатини муҳофазалаш ҳамда соғломлаштириш бизнинг доимий диққат эътиборимизда.

(Давоми 2-бетда)

**Республика Мустақиллигининг 7 йиллигига меҳнат совғалари**

## ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

**Гулистон шаҳар наслчилик репродуктори акциядорлик жамияти паррандачилик бўйича Сирдарё вилоятида энг йирик корхонадир. Акциядорлик жамияти йиллик режани олти ойда бажариб катта муваффақиятга эришди.**

Илғор паррандачилар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллигига яна 1 миллион дона тухум, 100 тонна парранда гўшти етиштириш мажбуриятини олиб, уни ҳам зиёдаси билан адо этиш учун курашмоқдалар.

Албатта бундай муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлмади. Жамоа катта қийинчиликларни бошидан ўтказди. Фақат тинмай меҳнат қилиш, изланиш, янгилик сари интилиш, бозор иқтисодиёти ислоҳотларини ҳаётга жорий этиш туфайлигина ривожланиш йўлига ўтилди.

Касаба уюшма ташкилоти ва маъмурият меҳнат унумдорлигини ошириш, илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни яхшилаш борасида олиб борган катта ташкилий ишлари бу ишда муҳим ўринни эгаллади.

Яқин тарихга мурожаат этсак. Бу корхона республика ҳаётида ўрни билинарли эди. 1991 йилда 5.5 миллиондан кўпроқ тухум, 566 тона гўшт ишлаб чиқарган эди. Юз берган қийинчиликлар туфайли корхона иши орқага кетди. 1996 йилда бор-йўғи ,7 минг дона тухум ва 12 тонна гўшт етиштирилди холос.

Сўнгги даврда қатор ташкилий, техник тадбирлар амалга оширилди. Четдан 180 минг дона зотли товуқ тухуми олинди. Технологиядан яхши фойдаланиш туфайли белгиланган меъёрдан кўпроқ жўжа оширишга эришилди. Шунингдек, ўтган йили корхонадаги зотли товуқлар тухумидан 160 минг, бу йил эса 217 минг тухум инкубаторга қўйилди. Бу тадбирлар эса паррандачиликни тез ривожлантириш имкониятини туғдирди. Зарур техника ва ишлаб чиқариш бинолари таъмирланди.

Ҳаракатда баракат деганларидек барча қилинган харажатлар тўлиқ қопланди. Бу йил эса ярим йилда йиллик режа шараф билан адо этилди. Кўзда тутилган 3.5 миллион дона тухум, 50 тонна парранда гўшти ўрнига, 3 миллион 610 минг донадан кўп тухум ва 58 тонна гўшт ишлаб чиқарилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, корхона мустақил республикамиз озиқ-овқат замирини мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга муяссар бўлмоқда. У мўл-кўл тухум ва гўшт етиштириш билан бирга республикамиздаги паррандачилик хўжаликларига зотдор товуқ тухумларини етказиб бермоқда.

Шубҳасиз, бу муваффақиятларда ватанпарварлик намуналарини кўрсатаётган, оғир дамларда корхонани тарк этмай яхши ният ва чидам билан ишлаган ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси ниҳоятда каттадир. А.Охунов, М.Қўрғонов, Т.Эшонқулова, А.Норова, У.Тошиева, Ш.Усмонова, Х.Холбекова кабилар шулар жумласидандир.

Эришилган меҳнат ютуғининг асосий омилларидан бири бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшма ташкилотининг ишчи-хизматчиларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни яхшилаш бўлди.

Жамоа аъзолари мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни тўғри англаб, уларни ҳаётга тезкорлик билан жорий этмоқдалар. Унумли меҳнат эвазига ишчи ва хизматчилар турмуш шароити кун сайин яхшиланиб бормоқда.

**Б.СОЛИХОВ.**



*Тўрткўл туманидаги Шароф Рашидов номли деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси далаларида пахтадан мўл ҳосил тўпланмоқда.*

**Суратда: (ўнгдан чапга) Қорақалпоғистон Республикаси Жўғорғи Кенгеси депутати уюшма раиси Рустам Рўзимов ва бригада бошлиғи Сапарбой Аминовлар ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда.**

**Ҳусанбой АББАЛОВ олган сурат.**

*Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!*

## *Касаба уюшма ҳаёти: соғломлаштириш ва дам олиш*

# БЎСТОНДАГИ «БЎСТОН»

### ҚАҲВАХОНАГА ЎХШАЙДИ

Биз бир хоразмлик аёл билан суҳбатлашдик. Ревматизм билан оғриган. Уй-иш ташвишлари билан тузукроқ даволанмаган. Натижада оғирлашиб кетган. Ревматоид полиартиритга айланиб, ҳатто бармоқлари деформациялашган яъни қийшайиб, на бир пиёла ва бир косани тутиб туришга ожиз. Қўлида чўмич тута олмаган оила бекасининг ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Шифокорлар «Бўстон» санаторийсига бориб даволанишни тавсия этишди. Умид билан сиҳатгоҳ



остонасини босиб ўтди.

Шу ерда бу воқеа давомини кейинроққа суриб, электр-нур билан даволаш бўлимига сайр қилсак. Ҳа, сайр дедик. Чунки, уларни кўриб чиқиш учун анча-мунча вақт керак. Бино киши қучоғига сиғмайдиган улкан дарахтлар қуршовида жойлашган. Кираверишда икки томонга гуллар экилган. У боши кўринмайдиган узун йўлак. Унга қирмизи шолчалар тўшалган. Икки томонда даволаш хоналари. Хоналар олдида, йўлакнинг икки четидаги креслолар, диванларда даволанувчилар бир зум ором оладилар.

- Сиҳатгоҳимизда сурункали шамоллашлар, сурункали ўпка касаллиги, сурункали бел оғриғи, артридлар яъни оёқ-қўл бўғин оғриқлари остеохондроз, гинекологик ва бошқа шамоллаш билан боғлиқ сурункали касалликлардан даволаш катта ўринни эгаллайди,-дейди санаторий бош шифокори Хотам Ризаев,- бизда физеотерапия бўлинмалари ниҳоятда хилма-хил ва кўп. Бу касалликларни даволаш, текшириш, таҳлил қилишга хизмат қилувчи икки лаборатория бор.

Кираверишда хоналарнинг бири фитобар учун ажратилган. Билишимизча бу бўлинмада ўз ишини ниҳоятда севадиган ходимлар ишлашади. Катта хона жуда чиройли қилиб безатилган. Юмшоқ мебеллар сероб. Деворларда табиат манзараси акс эттирилган албон суратлар. Табиий гуллар яхши қаралган. Ранго-ранг сунъий гулларнинг муаллифлари тиббий ходимларнинг ўзлари. Деворнинг бир томонида фитобарда касалларга қандай гиёҳлар ишлатилиши, дамламалар таркиби акс эттирилган. Улар ҳам бўлинма ходимларининг қўллари билан адо этилган. Аквариумда балиқчалар. Тасвирларни шу ерда тўхтатамизда хулосалаймиз. Одамларнинг айтишича фитобар сиҳатгоҳга келганларнинг энг севимли жойларидан бирига айланган. Худди марказий шаҳарлардаги кўҳна қаҳвахонага ўхшайди. Дил яқин бўлиб қолган суҳбатдошлар ёқимли мусиқа остида давра қуриб гиёҳ дамламаларни ичиб ҳордиқ чиқаришади.

Бу ерда электр, нур билан даволаш, стоматология, уқалаш, бадан тарбия, электрокардиограмма қилиш, организмни турли таҳлиллар қилиш ва бошқа хоналар шунча кўпки, ҳаммасини санаб тасвирлаш учун кўп вақт керак бўлади.

Сиҳатгоҳда сув билан даволаш эса алоҳида бинога жойлашган. Кираверишнинг ўзи катта жой. У ҳам келиннинг уйидек чиройли қилиб безатилган. Оёқ остига энлик гилам рангдор полослар тўшалган. Жой кенг бўлганлиги учун юмшоқ мебеллар сероб. Катта-катта тувакларда гуллар. Телевизор дам олувчилар ихтиёрида. Чойхўрлик учун алоҳида жой қилинган.

- Турли иссиқ ванналар ва турли душлардан чиқишгандан сўнг баъзилар чанқайди,-дейди 1-тоифали ҳамшира Дилфузахон Холматова,-шунда чой, организмни тинчлантирувчи мойчечак, наъматак гиёҳларидан ичимлик тайёрлаб берилади.

Ванналардан кейин баъзиларнинг босими кўтарилиши, баъзиларнинг кўнгли айниши, боши айланиши ва бошқа ҳодисалар бўлиши мумкин. Унинг учун биринчи ёрдам чоралари кўриб қўйилган.

Биз санаторий бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Раъно Тўлаганова билан муолажа ишлари юзасидан суҳбатлашдик.

- Илгари бу ер жуда кўп йиллар дам олиш уйи бўлган,-дейди у,- 1990 йили минерал сув топилган ва мутахассислар томонидан бу шифобахш сувнинг ниҳоятда фойдалилиги исбот этилгач санаторийга айлантирилган. Адашмасам сув, нур, электр ва бошқа табиий омиллар билан даволаш республикамизнинг бошқа курортларга қараганда бизда кўпроқ бўлса керак.

Табиий омиллар билан даволаш ниҳоятда кенг. Юқори частотали токлар, УВЧ, дарсенваль, нурли ванна, электросон, индуктотерапия, енгил частотали электр нурлари билан даволашда электрофорез, ионофорез, ультразвук, ДДТ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Санаторийнинг ўзига хос даволаш усуллари борки, улар яхши натижалар бермоқда. Қиздириб даволашда ҳам маълум тажриба бор. Унда парафин ва озекирит қўшилмасидан унумли фойдаланилади. Парафин асосан баданни чуқур қиздирса, озекирит орқали минерал тузлар тўқималарга сингдирилади. Бу ҳолда даволаниш самараси кескин кучаяди.

Жиззах вилояти Балиқчи кўлидан шифобахш балчиқ олиб келиб даво ишларида кенг фойдаланилмоқда. Балчиқни электр нури билан сингдириш усули билан даво самарадорлигининг икки баробарига ошишига эришилмоқда. Бу усул айниқса сурункали, қайтариладиган касалликларни даволашда, шу жумладан артроза-артрит, бўғимлар ичи шамоллаши, ревматизм, полиартрит, бўғимлар шишиши ва деформация бўлиши ҳолатларида кенг қўлланилади.

Лазер билан даволашда-ку жуда юқори кўрсаткичларга эришилаяпти. Стоматологик, гинекологик, турли шамоллашларни қайтариш, яраларни битказиш, ошқозон яраларини битириш, яллиғланишни тузатиш, ревматизм, полиартрит, остеохондроз касалликларини ва бошқа хилларни даволашда даволанувчиларнинг жонига оро киритмоқда.

Муҳтарам муштарий энди аввалроқ биз ҳикоя қилган, ревматоид-полиартрит билан оғриган хоразмлик аёл ҳақидаги мухтасар воқеани ниҳоясига етказайлик. Бир пиёла сувни ушлашга қодир бўлмаган аёл, энди челакни ҳам кўтараман, қозонни ҳам айлантираман деб қувонганича, шифо берган азиз шифокорларга минг раҳмат айтиб, энди ҳар йили даволанишга келиб тураман дея уйига қайтди.

Камина сиҳатгоҳ фаолиятини ўрганар экан, чин ҳақиқатни билишга интилди. Одамлар кайфияти, улар сўзларини эшитаман. Бир мулоҳаза ҳали қулоғимни тагида:

- Ҳамма касаллик балоси шамоллашдан келиб чиқаркан-да. Сурункали оғрийдиганлар бу ерда ҳар йили бир марта ётиб кетса, бир йил тўрт мучаси соғдек юраркан. Дори-порига ҳам бир йилда қанча кетиб қолади.

### ҚАЙТА ҲАЁТ БАҒИШЛАБ

Санаторийда шифокор Раъно Мирзаахмедовани инсонга қайта ҳаёт бағишловчи сифатида танишади. У ниҳоятда нозик касб эгаси экан. Раъно Мирпўлатовна қилаётган ишлар мураккаб, масъулиятли. Шифокорнинг бу ишларини тушуниш учун ҳам бир мунча билим керак. Шунинг учун изн олиб шифокорнинг ўз сўзларини қайд этишни мақсадга мувофиқроқ деб билдик:

- Қандай тушунтирсам экан,- деб ўйланиб гап бошлади у,-алоқаси камроқ бўлса ҳам бир воқеани айтиб берай, озгина бўлса ҳам фикр ойдинлашади. Бу бўлган воқеа. Бир неча йил бурун қоя забт этувчи (альпинист) бўрон туриб тоғда қор остида кўмилиб қолади. Мутахассислар икки кун деганда уни топишади. Қор тагидан кавлаб олишса у ҳеч нима кўрмагандек, тўрт мучаси соғ. Тириклигига гумон қилган, қутқаришга сафарбар этилган, дастлабки жиддий ёрдам беришга келган йирик мутахассиснинг ўзи ҳам ҳанг-манг. Қоя забткори ўз-ўзини тиббий даволаш курсини ўтаган экан. У «оёқларим совуқ емаябди»,»қўлларим исиб кетаябди» каби махсус машқларни қилган. Махсус енгил ҳаракатлар билан қон айланиш тизимини таъминлаган.

Яқинда 35 яшар атрофида бемор келди. Кучли депрессияга учраган. Турмуш ўртоғи қаттиқ алдаган ҳаётда оғир аҳволга тушиб қолган. У ўз жонига қасд ҳам қилган. Яшашга қизиқмайди. Кўзига дунё қоронғи. У билан суҳбат ўтказдик. Якка психотерапия муолажаларини олиб бордим. Беш марта гипноз билан миядаги руҳий ҳолатига таъсир қилишга тўғри келди. Гипнозда ҳаётидаги қувончли дамларни эслаттирдим. Ҳаётга муҳаббат уйғотиш машқлари такрорланди. Хуллас кўп меҳнат қилишга тўғри келди. У қайта ўзига келди, кўзларига олам яна нурли бўлиб кўринди. Мен эса меҳнатим мевасини кўриб завқ олдим.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қийинчиликлар кўп. Шубҳасиз, одамларнинг моддий, маънавий, тиббий шароитига таъсири бор. Даво жараёнида уларни ҳисобга оламиз.

Педагоглар, санъат кишилари ва бошқа шу каби айрим соҳаларда зўриқиш кучлироқ. Улар билан мулоқотда аутоген машқлари, гипноз, гипнотерапия ва бошқа хил даволарда мусиқа, адабий терапия, натур терапия яъни табиат гўзалликлари билан даволашга алоҳида эътибор бераман. Шу йўналишда Чорвоқ, Чимён, умуман Бўстонликнинг гўзал табиати қўйнига саёҳатлар уюштирилиб табиат билан мулоқот ўрнатиб, улар руҳига таъсир этилади, ҳаёт мазмуни ва гўзаллиги қалбларга кириб боради.

Инфаркт, инсульт бўлганлар яна қайта бўлиб қоламанми, бўғма касаллар бўғилиб қолмасмиканман деб кўрқишади, баъзилар ваҳима ва васвасага тушишади. Буни фан ҳам исбот этади. Шунинг ўзи уларни ўша кўнгилсиз жараёнга яқинлаштиради. Даволаш жараёнида турли гуруҳли ва якка машқлар олиб борилади. Хотиржамлик бағишлаш, иродани ошириш, ўз-ўзини даволаш машқлари ўтказилади. Касалга қараб сўзлар такрорлари бор. Улар амалий, тиббий, руҳий даволаш усуллари орқали амалга оширилади.

Эслатма: шифокор Раъно Миртўхтаевнанинг билимдонлиги, жонкуярлиги, меҳнаткашлиги туфайли қанчадан-қанча одамлар инфаркт, инсульт, миокард каби касалликлар ва руҳий хасталиклардан, асабийликдан халос бўлиб, қушдек енгил тортиб оилаларига қайтмоқдалар.

### ИСТИҚБОЛ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ

Санаторий янги қурилишлар билан кенгаймоқда. Сиҳатгоҳда 100 ўринли фақат люкс хоналаридан иборат янги замонавий бино қад кўтармоқда. Бу албатта республика санаторий-курортлари ҳаётида катта воқеа. Янги люкс кошонасини келаси йил республика мустақиллигининг саккиз йиллигига фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Кейинги уч ҳафтада икки миллион етти юз минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Санаторий ҳузурида 140 ўринли гинекология бўлими очилмоқда. Ҳозирги кунларда бу хил касалликлар бўйича соғломлантиришга келганлар қабул қилинмоқда. Шу йилнинг 15 августидан 140 ўринга тўла қабул қилишга тахт бўлади. Янги бўлим учун янги мутахассислар тайёрланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси гинекологик бўлимини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун маблағлар ажратмоқда, яқиндан ёрдам кўрсатаяпти.

Оила йили муносабати билан санаторийда оилавий дам олиш учун шарт-шароитлар яратилди. Оналар муолажа олаётганда ўғил-қизлари тарбиячи ихтиёрида бўлишади. Шунингдек, ёз фаслида, оилавий дам олиш учун олти, ўн икки кунлик йўлланмалар сотиш йўлга қўйилди.

Санаторийда мавжуд биноларни қайта таъмирлаш, жиҳозлаш, қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан ишлар жадал олиб борилмоқда. Шу мақсадларда люкс, ярим люкс хоналари кўпайтирилмоқда. Шунингдек, бир қатор муолажа хоналари қайта ташкил этилмоқда, қурилмоқда.



*Санаторий бош ҳамшираси, олий тоифали ҳамшира Ёдгор Шонодирова (чапдан учинчи) ҳамширалар билан суҳбат ўтказмоқда.*

### ОРОЛГА ЖОЙЛАШГАН БОҒ

«Бўстон» санаторийси шундай гўзал бўстон ичра жойлашганки, уни тасвир қилишга қалам ҳам ожизлик қилади. Бир сафарда унинг ҳудуди, боғу-роғларини кўриб чиқишнинг ўзи қийин. Ҳудуди 20 гектардан зиёд. Оролга жойлашган яъни уч томонидан катта сув оқади. Чирчиқ дарёси, Бўзсув канали, Зах канали. Катта сувларнинг салқин ҳавоси чор-атрофни элас-элас сийпаб, эркалаб ўтади.

Ҳозирги санаторий ўрни асли дам олиш уйи бўлиб, 1927 йилда ташкил топган. Тепалик қисмда, дов-дарахтлар бағридан жой олган. Бу ерда экилмаган мевали ва манзарали дарахтларнинг ўзи йўқ бўлса керак. Бинолар атрофида икки кишининг қучоғи етмайдиган дуб, чинорлар, шунингдек қайрағочлар, турли хил арчалар... Бинолар атрофида гулзорлар ташкил этилган. Фавворалар эрта-кеч кенг ва гўзал боғ-роғларга салқинлик уфуриб туради.

Чегараси кўринмас боғ-роғ ичида, улкан дарахтлар, сокинлик бағрида суҳбатхоналар, тахта ўриндиқлар шунча кўп-ки, ҳар бир дам олувчи ҳисобига камида икки-учтадан тўғри келса керак.

Суҳбатдошлар учун жуда шинам чойхона бор. У тўлиб оқаётган, мовий ранг канал бўйида. Мажнунтоллар билан шивирлашиб оқаётган сув бу ерга ажойиб гўзаллик, сокинлик, салқинлик, хушкайфият бахш этади. Сув устига тушган сўри кроватлар дам олувчилар ихтиёрида.

Табиат ишқибозлари улкан боғ оралашлари мумкин. 20 сотихга яқин ерда аср давосини қилаётган ёнғоқзорлар аста шивирлайди. Олмазорларда хўрознинг тожидек оловранг қирмизи олмалар пишиб ётибди. Ўрик, олхўри, тоғолча, шафтоли, беҳи ҳамма дори-дармонлар манбаси шу ерда.

Энди икки оғиз сўз маданий-оммавий ва овқатланиш ҳақида. Санаторий катта жамғармали кутубхонага эга. Маданий ишлар бўйича йўриқчи Мамлакат опани ҳамма келган кунининг биринчи кунидан билиб олади. Бу ерда ҳар куни турли оммавий тадбирлар, ўйинлар ўтказилади. Учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилади. Тошкент шаҳрига экскурсиялар, Бўстонликнинг гўзал табиати қўйнига саёҳатлар уюштирилади.

Ошхона кенг ва ёруғ. Овқатланиш ярим ресторан шаклида. Бир кун олдин буюртма берасиз, шу асосда овқат тайёрланади.

**Будир ПЎЛАТОВ.**



*Электрокардиограмма бўлинмаси компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳамшира Сусана Абдураҳмонова янги тиббий ускуналар ёрдамида иш олиб бормоқда.*

## *Истиқлол истиқболи*


**( Давоми,боши 1-бетда)**

Мулкчиликнинг пай шакли, пудрат усули ва иқтисодий ислоҳотнинг бошқа янгиликларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, қишлоқ меҳнаткашларини ҳуқуқий ҳимоялаш, моддий манфаатдорлигини таъминлаш борасидаги ишларни амалга оширмоқдамиз. Яна бир муҳим жиҳат. Маълумки ширкат хўжалигида ижарачи билан жамоа хўжалиги ўртасида шартнома тузилади. Касаба уюшмалари ушбу шартномани ҳам тўлақонли ҳамда атрофлича, холис бажарилишини назорат этиб боришлари лозим. Биласизми бу ишларни амалга ошириш учун касаба етакчиси чуқур билим, ташаббускорлик, ўзгалар учун қайғуриш каби ҳислатларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Йўқса у меҳнаткашлар ўртасида обрў қозона олмайди. Обрў бўлмагач, талаблар асосида бўлиши лозим. Лекин амалда айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномаларида кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилишга юзакичилик билан қараш ҳоллари юз бермоқдаки бунга тоқат қилиб бўлмайди. Жамоа шартномаларини қабул қилиш, бажарилишини назорат этиш борасида ҳали кўп изланишимиз зарур. Уни такомилига етказиш ҳар бир бошланғич ташкилотнинг асосий вазифасидир.

- Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун меҳнат беллашувларини авж олдириш, зарур меҳнат шароитини яратиш, замонавий иш усулларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда.

Кўрғонтепа районидаги «Савай» хўжалиги худудидаги Комилжон Содиқов раҳбар бўлган «Аваз» фермер хўжалигида ҳар бир соғин сигирдан йилига 4200 литрдан сут соғиб олинмоқда. Шу билан бирга бошқа хўжаликларга наслдор ғунажинлар ҳам етказиб берилмоқда. Бундай яхши натижаларни Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа районида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ёппасига фермер хўжалигига ўтилиш муносабати билан манфаатдорлик ошиб, маҳсулот етиштириш муттасил кўпайиб бормоқда.

Андижон туманидаги Фахриддин Қурбонов бошлиқ «Мададкор» фермер хўжалиги аъзолари ўтган йили 41 гектар майдоннинг ҳар гектаридан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлишганди. Шу туфайли ҳам жамоадаги 39 кишининг ойлик маошлари 7500 сўмга тўғри келди. Мазкур жамоа аъзолари юзига плёнка ёзилган эгатга эрта баҳорда помидор кўчатлари экишни биринчи марта тажриба қилиб кўришди. Натижа кутилгандан аъло бўлганлиги сабабли фермер хўжалигининг ижтимоий суғурта фондига ўтказган маблағи 1,5 миллион сўмдан ошди. Шу каби қимматли тажрибаларни мамлакатимизнинг барча минтақаларига кенг ёйиш касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаларидан биридир.



Бундай ташаббускор меҳнат жамоаларини пахтачиликда, чорвачиликда, бошқа соҳаларда ҳам учратиш мумкин. Мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида ўртача 22-25 центнердан пахта хосили етиштирилган ўтган йилги шароитда чигитни плёнка остига экишга асосланган, замонавий технология қўлланилган айрим бригадаларда ҳосил гектарига 40-45, ҳатто 55-60 центнерга ҳам етди. Демак янги технология қўлланилгани сабабли ҳосилдорлик 2-3 баробар ортди. Янгиликни кенг ёйишда касаба уюшмалари туман, вилоят кўмиталари катта ташкилотчилик ишларини олиб борсалар пахтачилик тараққиётига катта ҳисса қўшган бўлардилар.

- Яқинда республикамиз олий мажлисида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотни ривожлантириш мақсадида «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Ушбу муҳим қонунлар нафақат бошланғич касаба уюшма кўмиталарига, барча касаба уюшма аъзосига етиб бориши шарт десам муболаға бўлмайди.

- Юқоридаги қонунларни амалга ошириш бўйича республика Вазирлар Маҳкамаси яқинда қарор қабул қилди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари фаол иш олиб бормоқдалар.

Юртбошимиз Ислом Каримов 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотлар устувор йўналишларининг амалга оширилишини биринчи ярим йиллигини якунларини кўриб чиқишга бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги бўлиб ўтган мажлисда сўзлаган нутқида бу ишда ҳеч қандай расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Шуни ҳисобга олиб Марказий Қўмита ташаббуси билан шу йил туман, шаҳар, вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталари раисларининг семинарини ўтказдик. Унда олимлар, етук мутахассислар сўзга чиқиб мазкур қонунлар аҳамиятини шарҳлаб бердилар. Машғулотлар савоб-жавоблар, тортишувларга бой бўлди. Уз навбатида семинар қатнашчилари билан машғулотларда олган билимларини бошланғич ташкилотларда ҳам муҳокама этиб, касаба уюшма аъзолари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришга келишиб олдик. Сўзимни якунида шуни айтиб ўтмоқчиманки мустақиллик касаба уюшма фаолларига ҳам катта масъулият юклади. Биз ҳар қадамда уни ҳис этиб турибмиз. Ишонаманки келгусидаги фаолиятимиз ҳам шунга яраша бўлади.

**Суҳбатдош: Неъмат РАФИҚОВ.**

## МУСТАҚИЛЛИК ЮКЛАГАН МАСЪУЛИЯТ



*Музработ туман «Қўнғирот» жамоа хўжалиги жамоаси галла ва пахтадан юқори ҳосил олишни кўзлашган. Шу кунларда хўжалик деҳқонлари аҳдга яраша хирмон кўтариш ишқида меҳнат қилишмоқда.*

**Суратларда: жамоа хўжалиги раиси Янгибой Юсупов, «Қизил олма» корхонаси бошлиғи Эркин Чориев, фермер Бозор Худойбердиев оиласи меҳнати чакки бўлмади.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.**

## ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Иқтисодиётнинг ривожи халқ хўжалигининг қайси бир соҳаси бўлмасин кўп жиҳатдан шу соҳа раҳбарининг тадбиркорлигига, ишни давр талаби асосида ташкил эта олишига ва албатта ишчиларнинг фидойилигига боғлиқ.

Шомақсуд Шоёқубов раҳбарлик қилаётган «Элтранс» очиқ турдаги таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти мухандислари ва ишчи-хизматчилари электротранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга керакли бўлган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги турларини излаб топишга интилмоқдалар.

1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида таъмирлаш ишларида қўлланиладиган ва аксарияти четдан олиб келинадиган етти турдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона таъмирлаш хизматлари кўрсатиш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича йиллик режанинг 6 ойлик топшириқларини муддатидан илгари уддалади.

Корхона раҳбарияти бутун куч-ғайратини янги иш ўринларини излаб топиш, буюртмачиларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш натижасида қўшимча даромад олиш, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратмоқда.

Яқинда «Икарус» русумли автобусларни таъмирлайдиган янги цех ишга тушди. Шуниси диққатга сазоворки, таъмирлаш ишлари бу ерда сифатли, тез ва қисқа муддатда бажарилмоқда. Цех ишга тушгандан буён 11та стартер ва генератор таёрланди. Келгусида ДЭУ русумли автобуслари учун ҳам худди шундай хизмат кўрсатишни ташкил этиш мўлжалланган.

Жиззах шаҳридан 12 чақирим масофадаги троллейбус қатновини йўлга қўйишда фаол иштирок этган корхона, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ва бошқа турдаги хизматлари эвазига 6 миллион сўм даромад олди. Корхонанинг ўзида йиғилиб тўла таъмирланган троллейбусларнинг Бухоро шаҳрига жўнатилиши ҳам катта моддий фойда келтирди.

Корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини меъёр даражасида сақлашга ҳаракат қилаяпти. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бунга эришиш осон бўлмаяпти. Аммо қийинчиликларга қарамай корхона жамоасининг руҳи тетик, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилмоқда.

**Иристой ЭРГАШЕВ.**

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИ—ОИЛА ЙИЛИ

*Одамийлик сабоқлари*

## ШУКРОНАЛИК

Ҳазрати Али С.В.»Нажҳул балоға» номли асарларида ёзишларича: «Аллоҳнинг неъматларига шукр қиламиз, чунки шукр фаровон неъматларни келтиради, неъматларга ношукрчилик эса қаттиқ азобу фалокатларни келтиради», - дейилган.

XVI аср муаррихларининг ривоят қилишларича, Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллохон ўз ҳукмдорлиги даврида ғалабалардан ёки қандайдир хурсандчиликлардан сўнг Расули акрам суннатларига эргашиб Аллоҳга шукрона намозини адо этиб, халқ манфаати учун бирон бир эзгу амални қилар эканлар. Бундай ишларни амалга ошириш қадим-қадимдан буюк шахслар тарафидан амалга ошириб келинган. Шукроналик - иймон мевасидир. Аллоҳ таоло «менга шукр қилган ўз фойдасига шукр қилибди» деб марҳамат қилади. Ақл билан иш юритган банда ҳеч шубҳасизки, бу улуғ имкониятдан умри давомида бақадри имкон унумли фойдаланади.

Аллоҳнинг ўз каломи шарифларида бир неча жойда «мен шукр қилган кишига барокотлар ёғдираман» деган муборак ваъдалари бор. Оламда инсон феълидан-да қизиқроқ ва ғалатироқ феъл йўқ. У одатда бирор неъматнинг қўлидан кетгандагина унинг қадрига етади. Ҳамиша ёдда тутмоқ керакки, инсоният учун берилган илоҳий неъматларнинг сонсаноғига етиб бўлмайди. Инсон илми қўпайган сайин неъматлари малакаси ҳам ошиб боради. Илоҳий неъматларнинг шукронаси икки тур: тил шукронаси ва амал шукронасидир. Бири иккинчисиз бўлмас. Албатта тил шукри: «Алҳамдулиллоҳ, парвардигор, сенга беадад шукр бўлсин» ва шунга ўхшаш ташаккур мазмунини англатадиган ҳар бир сўз ва жумладан ташкил топадиган шукроналикдир. Амал шукри тил шукрига нисбатан мураккаброқ ва афзалроқ. Бу Аллоҳ суйган бандалари томонидан содир этилган ва қиёматгача содир этилади. Бу жараён ҳар бир шахсда турлича бўлади. Масалан, бой-бадавлатнинг амалий шукри фақирларга эҳсон қилиши, ҳукмронларнинг шукри ҳақиқатни қойим қилиб, адолатни барпо этишдир. Хуллас, ҳар бир касб-кор эгасининг ўз касбига, қилаётган ишига муносабати амалий шукр ҳисобланаркан. Агар инсон риоя қилмасдан тил шукрини қўлига тасбеҳ олиб, қадамида айтиб юрса-да, Қуръони Каримда зикр этилган шокир (Аллоҳнинг неъматларига шукр қилгувчи)лар қаторига кирмайди. Агар сиз бой бўлсангиз-у, қўшнингиз, хеш-акра болаларингиз оч-наҳор, юпун бўлсалар, токи уларга ҳайр-эҳсон қилмасангиз, шокирлар қаторига кирмайсиз. Албатта, қилинажак ҳайр-эҳсон ҳалол молингиздан бўлмоғи жоиздир. Айтайлик, инсон мавқеи, мансабидан фойдаланиб, ўзга кишилардан олган пора эвазига қилинадиган ҳайру-худойилар Аллоҳнинг ғазабини келтиришдан ўзга нарса эмас. Чунки Аллоҳ ҳар бир нарса ва ҳодисалардан воқифдир. Ҳийла инсониятга асқотади, лекин Аллоҳга эмас!

Токи Аллоҳ ўз бандасига ақл, имкон, у ёки бу касбни ўрганмоғига йўл очиб берибди экан, шунга яраша иш тутмоғи, шунга муносиб бўлмоғи лозимдир. Шунинг учун мусулмонлар орасида «холис хизмат» деган тушунча, беғараз хизматлар мавжуд. Ҳоҳлаймизми йўқми, инсоний эҳтиёжлардан бири - табибга мурожаат қилиб туришлик ҳар биримизнинг бошимизга тушадиган ҳолатдир. Ислом нуқтаи назаридан қараганда, табиб олдига шикоят билан келган ҳар бир беморни (қўлидаги совғасига ёки мансабига қарамасдан) даволаши фарзи кифоядир. Агар табиб даволамаса ёки қўпол муомала қилса, гуноҳкор ҳисобланади. Бу исломий хулқдан баъзи табибларимиз бехабардир ёйинки биладиганлари эса иқтисод касаллигидан шикоят қилиб, бошқачароқ йўл тутадилар. Афсуски, Аллоҳнинг ҳузурига борганда булар ҳаргиз ҳисобга олинмагай, аксинча касбни суистеъмол қилганлиги учун жавобгардир. Табибларимиз эътироз билдиришлари мумкин: фақат касб эгаси бизми?! Мен табибларнинг Аллоҳнинг ҳузурида нечоғлик буюк мавқеда эканликларини англатмоқчиман, холос. Қанча мавқеи баланд бўлса, жавобгарлиги ҳам шунча оғир бўлади. Ватанимизда ҳар бир кишининг аҳволини тушунадиган, унинг ҳурматини жойига қўйиб муомала қиладиган



кори Ҳафиз ака Умаровларни ҳар гал кўрганимда уларнинг хушфеъллик билан одамларнинг ҳожатларини чиқараётганлигига тасанно айтаман. Орамизда бизлар билмаган яна неча-неча самимий, олийжаноб одамлар кўп. Шукрлар бўлсинким, яхшилар ва яхшилик бор.

Юқоридаги гаплардан хулоса чиқармоқ керакки, шукрона неъмати Аллоҳнинг ҳар бир бандасига хос ва мос бўлган, икки дунёда ҳам асқотадиган сифат, фазилатдир. Қимки шу амалларга риоя қилса, Аллоҳнинг наздида ҳам, инсоният наздида ҳам маъқул иш қилган, тўғри йўлни тутган бўлади.

**Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ,**
**ЎзФА А.Навоий номидаги тил-адабиёт институти, қадимги турк адабиёти бўлими илмий ходими.**

*Яшаш қўлланмаси*

**Дейл КОРНЕГИ**

## ОДАМЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ САНЪАТИ

Кишини бирон бир ишни қилишга ундовчи ягона усул бор. Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Унинг асосий моҳияти, бошқа кишини у ёки бу ишни қилишни исташга ундай билишдир.

Сиз қурол ўқталиб бошқа кишини ўз соатини беришга мажбур этишингиз мумкин. Ходимингизни топшириқни бажармаса, ишдан бўшатиш билан қўрқитиб ишлатишингиз мумкин. Болангизни қўрқитиб, хивчин билан ўзингиз истаган ишни қилишга ундашингиз мумкин. Аммо бу дағал муносабатларнинг барчаси талайгина нохушликларни келтириб чиқариши муқаррар. Шу сабабли бошқа кишини ўзингиз истаган олийҳиммат табибларимиз ҳам беҳисобдир. (Аллоҳга шукр) Мен уларнинг баъзиларини беморлар билан қилган хушмуомалаларини кўриб: Аллоҳга шукр, шундай инсонларимиз ҳам бор, деб юборган жойларим бўлган. Табиблар ҳақида шунча гаплар айтилгандан кейин баъзи бир фидойиларни зикр қилмасдан иложим йўқ. Жумладан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани 37-поликлиника тиш даволаш бўлимида хизмат қиладиган Тожихол опа ва Мавлуда опа Омонова, Сурхондарё вилояти, Бойсун шаҳрида бир неча йилдан буён халққа холис хизмат қилиб келаётган болалар шифо-

ишни бажаришга ундовчи ягона йўл бажарувчида астойдил хоҳиш уйғота билишдир.

XX асрнинг машҳур руҳшуносларидан бири, веналик олим, доктор Зигмунд Фрейд айтганидек, ҳар биримизнинг ҳатти ҳаракатларимиз замирида икки омил етакчилик қилади. Булар бошқа жинсни жалб этиш истаги ҳамда буюкликка интилиш хоҳишидир.

Америкалик файласуфлардан бири, профессор Джон Дъюн буни бошқача изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, инсон табиатига хос доимий интилишлардан бири «ўзининг мавқеини улуғлаш истагидир». Уильям Джеймс таъбири билан айтганда: «Инсон табиатининг ашаддий хусусиятларидан бири - қадр-қимматни бошқалар томонидан юксак баҳоланишини исташдир». Агар бизнинг аждодларимизда ўз мавқеларини улуғлашга интилиш истаги бўлмаганда, инсоният тараққиёти (цивилизация) ҳам бўлмасди. Бу истаксиз биз ҳайвонот оламидан бу қадар узоқлашмаган бўлар эдик. Айнан шу истак Диккенсни ўлмас романлар ёзишга илҳомлантирди. Шу истак туфайли сэр Кристофор Рен тошга симфония битди. Бу туйғу туфайли Рокфеллер бир неча миллион доллар жамғарди, қайсики, уларни тўла-тўкис сарф этишга улгурмади. Шу туйғу бизда сунгги нусхадаги кийимлар кийишга, янги русумдаги автомобилни минишга, истеъдодли фарзандларимиз ҳақида мақтовлар эшитишга хоҳиш уйғотади. Нима учун Эндро Карнеги Швабга йилига бир миллион, ҳатто кунига уч минг доллардан кўпроқ ҳақ тўлаган. Шваб даҳо бўлганми? Йўқ. Балки у пўлат ишлаб чиқаришни бошқалардан кўпроқ билгандир? Ҳечамда. Швабнинг айтишича, бундай юқори маошни одамлар билан муносабатни яхши билганлиги учун олган. «Узимнинг энг қимматли хусусиятим,- деганди Шваб,- одамлар қадр-қимматини эътироф этишни ва рағбатлантириш ёрдамида улардаги фидокорлик ва бошқа аҳамиятли сифатларни юксалтиришдир. Кишининг ғурурига бошқа ҳеч нарса бошлиқнинг танқидидек қаттиқ таъсир этмайди. Мен одамларни иши учун рағбатлантиришнинг аҳамиятига ишонаман, одамларни яхши ишлари учун чин дилдан, астойдил мақташни ёқтираман».

Шваб ана шундай иш тутарди. Бошқалар-чи? Улар кўп ҳолларда бунинг тескарисини қиладилар. Бирор нарса ёқмаса жеркиб, ёққан ҳолларда эса эътиборсиз қолдириб қўя қоладилар.

Швабнинг фикрича Эндро Карнегининг ҳайратланарли муваффақияти ҳам айнан ана шунда. Карнеги хизматчиларни кўпчилик олдида ҳам, якка ҳолда ҳам мақтаб турган. У ҳатто қабрдаги ётгорликда ҳам ёрдамчиларига бўлган ҳурматини эътироф этишни хоҳлаган. Бир қабр тошига ушбу сатрларни ёздирган: «Бу ерда ўзига нисбатан ақллироқ одамларни атрофига тўплашни биладиган одам дафн этилган».

Рокфеллернинг одамлар билан муносабатдаги муваффақияти сирларидан бири эса - чин дилдан уларни қадрлай билишида эди. Масалан, унинг хизматдошларидан бири Эдвард Т.Бедфорд Жанубий Америкадаги муваффақиятсиз савдоси сабабли фирма учун бир миллион доллар зарар келтирадиган хатога йўл қўяди. Рокфеллер уни қаттиқ танқид қилиши ҳам мумкин эди. Аммо у Бедфорд яхши бўлишини истаганини биларди. Рокфеллер шу билан кўнгилсизликка барҳам берди. Рокфеллер ҳатто Бедфордни мақташга ҳам сўз топа олди. Яъни Бедфордни жалб этилган сармоянинг олтмиш фоизини сақлаб қолгани учун табриклади. «Бу тахсинга лойиқ,- деганди Рокфеллер,-биз юқориги қаватдагилар ҳамма вақт ҳам шундай яхши ишлай олмаймиз».

Ана шундай.Биз фарзандларимиз, дўстларимиз ва ходимларимизнинг жисмоний ҳолати ҳақида ғамхўрлик қиламизу, аммо камдан кам ҳолларда уларнинг қадр-қимматини рағбатлантириш устида бош қотирамиз. Биз уларга куч тўплашлари учун қовурилган гўшт ва картошка берамизу, аммо хотираларида тонгги юлдуз мусиқаси тимсолида бир умр акс-садо бериб турадиган миннатдорчилик сўзини айтиш учун қайғурмаймиз. Келинг, ўзимизнинг ютуқларимиз ҳақида кўпроқ ўйлашдан тийилиб, бошқа кишиларнинг ижобий хусусиятларини қадрлашга ҳаракат қилайлик.

**ЗАЙНИДДИН БОЗОРОВ**
**таржимаси.**


## ОИЛА даврасида

*«Ишонч» устахонаси*

## Декоратив тасвирлар

***Болаларнинг кийимларини босишда айниқса улар ёқтирадиган декоратив ўйинчоқларнинг аҳамияти каттадир. Айниқса мультфильм қаҳрамонларидан бўлса янада яхши. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу расмларда ана шундай тасвирлардан намуналар кўрсатилган. Уларнинг қисмларини ўзингиз ёқтирган рангдаги матолардан қирқиб олинг ва расмда кўрсатилганидек йиғиб, тикиб чиқинг.***

**Ҳ.ЭГАМОВ.**
**Расм муаллифники.**



1-РАСМ



2 РАСМ

*Болаларингиз билан бирга ўқинг*

## HAR KIMNING MEHNATI O'ZIGA SHIRIN

Bir ota-onaning yakkayu yagona o'g'li bo'lgan ekan. Bola ota-onaning tarbiyasida katta bo'libdi. Bola voyaga yetgach, ota o'z o'g'lini chaqirib: «O'g'lim, endi katta bo'lib qolding, biror hunar o'rgan, oxirida hor bo'lmaysan!» debdi. Bola, ho'p, deb javob beribdi. Ertasi kuni ishga ketayotganida uni onasi to'htatib:

- O'g'lim, sen og'ir mehnat qilib joningni qiynab yurma, ko'chaga chiqib o'rtoqlaring bilan o'yna, qaytib kelganingda otangga mana buni berasan! - deb bir tanga pul beribdi.

Bola xursand bo'lib ko'chaga chiqib ketibdi. Kechgacha o'ynab yurib, uyga qaytib kelibdi. Uyga kelsa, otasi hovuz bo'yida o'tirgan ekan. Onasidan olgan pulini unga beribdi. Ota tangani olib hovuzga tashlabdi. Bola indamabdi. Ertasiga ham shu voqea qaytarilibdi. Bu holdan hayron bo'lgan ona va bola uchinchi kuni o'tirib maslahatlashibdilar.

Bola:

- Otam bu pulni mehnat qilmasdan olib kelganimni bilganga o'hshaydi. Endi bugun bir mehnat qilib pul topib kelay-chi, nima bo'lar ekan? - debdi-da, bir odamnikida hizmat qilib, pul topibdi. Kechqurun uyga kelib pulni otasiga bersa, otasi u pulni ham hovuzga tashlabdi. Bola otasiga bir xo'mrayib qarabdi-da, kiyimlarini yechib o'zini hovuzga tashlabdi. Haligi yarim tangani topib chiqibdi. Shunda otasi o'g'liga:

- Ko'rdingmi o'g'lim, o'z mehnating bilan topgan daromad-pul totli bo'ladi,-degan ekan.

## DEXLIDA NECHTA QARG'A BOR?

Kunlardan bir kun podshoh saroy yig'inga hammadan oldin kelib, har bir saroy mulozimidan:

- Dexlida nechta qarg'a bor?- deb so'ray boshlabdi.

Hech kim og'iz ocholmabdi. Shoxning savoli javobsiz qolaveribdi. Oxiri Birbal kelibdi. Podshoh unga ham o'sha savolni belibdi.

- Bechoralarning homiysi!-shu zahoti javob qaytaribdi, Berbal. - O'tgan yili men hisob-kitob qilib, Dehlida uch-ming besh yuz sakson beshta qarg'a borligini aniqlagan edim.

Podshox bu qadar aniq raqamni eshitib xayron bolibdi.

- Birbal! O'tgan yilning qaysi paytida hisob qilganding. Mening nazarimda sening bu hisobing juda shubhali ko'rinadi.

- Olampanoh, behuda shubha qilayapsiz. Bu raqam juda aniq. Chunki uni men o'zim hisoblab chiqarganman.

- Shoshmaytur hali! Agar Dehlidagi qarg'alarning soni bittaga ko'p yoki kam chiqsa, uch ming besh yuz sakson besh rupiy jarima to'laysan. Shuning uchun kechgacha o'ylab, menga aniq javob qil! - debdi shoh.

- Mening hisobim to'ppa-to'g'ri,-qat'iyat bilan gapirdi Birbal. Qayta sanashda ham shu sonning chiqishiga aminman. Faqat ayrim qarg'alarning qaergadir mehmonga uchib ketishi va boshqalarning bu erga mehmon bo'lib kelishi mumkin ekanini nazarda tutsak bas.



*Германиянинг Киль шаҳрида биология фанидан IX халқаро олимпиада бўлиб ўтди. 33 мамлакатдан 133 вакил иштирок этди. Улар орасида Ангрен ва Самарқанд лицейлари ўқувчилари А.Қосимов ва Ш.Худойбердиевлар бронза медалини қўлга киритдилар.*

Суратда: совриндорлар.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

## УЙ БЕКАЛАРИГА

**• Пўчоғи артилган картошка тез қорайиб қолади, шунинг учун уни қисқа муддатга совуқ сувга солиш керак. Картошка сувда таркибидаги маълум миқдордаги крахмал ва С витаминни йўқотади, дағаллашади ва яхши пишмайди. Артилган картошкани 1-1,5 соатча сувга солмасдан устидан намланган тоза латта ёпиб қўйиш мумкин.**

**• Картошкани пиширганда идишга кўп сув солманг, сув картошкани бир сантиметр қалинликда беркитиб турса кифоя.**

**• Янги картошкани артганда қўл қорайиб қолади. Шунинг учун артишдан олдин қўлга сирка суртиб, уни сочиқ билан артмасдан қуритиш керак.**

**• Картошка яхши артилиши учун уни тузли совуқ сувда бироз ушлаб туринг.**

**• Буғда пиширилган картошкада тўйимлилиги яхши сақланади.**

**• Салат ёки винегретга пиширилаётган картошкага бироз сирка қўшинг. Картошка ранги чиройли бўлади.**

**• Музлаган картошкани музидан тушириш учун уни бир неча марта тузли совуқ сувга солиб олиш керак.**

**• Энг серсув сабзи меваси калта ва йўғон бўлади. Бу сабзи салатларга қўшилади ва маринад қилинади.**

**• Сабзи артилганда қорайиб кетмаслиги учун уни юпқа қилиб ўткир пичоқда артиш керак.**

**• Сабзини сақлашдан олдин унга бошпиёз пўчоғи қайнатилган сувни пуркаш керак.**



*Тиббий маслаҳатхона*

## ТОЗАЛИК

Узоқ умр кўрганларнинг ҳаёти тадқиқ этилганида уларнинг аксарият кўпчилиги бирор марта касаллик туфайли шифокорга мурожаат қилмаганлиги аниқланади. Демак, узоқ умр кўрганлар табиат инъом этган умрни тўлалигича кечиришган. Шундай экан, ҳар бир инсон касални даволашдан кўра унинг олдини олиш чоралари ҳаёт мезони эканлигини тушуниб етиши ва кундалик турмушда қўллаши лозим.

## МУРАККАБ

Касалликнинг олдини олиш мураккаб, маблағ талаб қиладиган ишми?

Йўқ, албатта, бу сиз билан бизнинг ҳар бир қадамимизда учраб турадиган урф-одатларимиз билан ҳамоҳанг равишда бажарса бўладиган санитария-гигиена ва шахсий озодалик қоидаларига риоя қилишдир.

Айниқса, бу қоидалар юқумли ошқозон-ичак касалликларига тааллуқлидир.

Болаларни ёшликдан уй юмушларига ёрдам беришга ўргатиб бориш анъанавий удумга айланган. Жумладан, уйда йиғилган ахлатларни ахлат тўкиладиган жойга элтиш кўпчилик ҳолларда оиладаги болалар зиммасига юклатилади. Лекин, ахлат фақатгина махсус қўйилган контейнер ёки ажратилган жойларга ташлашни ота-оналар томонидан ўргатилмаслиги ёки ўргатилса ҳам ташлаш жойига етказилишини назорат қилмаслик оқибатида ахлат уюмлари илондек чўзилиб ётади. Маълумки, ахлат таркиби, асосан, озиқ-овқат қолдиқлари, сабзавот чиқиндиларидан иборат бўлиб, уларнинг чириши натижасида касаллик тарқатувчи микроблар кўпайиши учун тайёр озуқа манбаидир. Бунинг устига йилнинг иссиқ фаслларида пашшанинг кўпайиши-инкубатори ҳамда микробларни тарқатиш маконига айланади. Келтирилган ҳолат республикамизнинг кўпгина маконларидаги оддий бир кўриниш. Бас, шундай экан, ахлатни фақатгина контейнер ёки махсус ажратилган жойларга ташлашни одат тусига айлантириш ва болаларни бунга ёшликдан ўргатиб бориш, лозим бўлса назорат қилиш керак.

Қадимдан бошланган ва ҳанузгача сақланган яна бир одатимиз бу қўл ювиш. Уйга меҳмон келса аввалом бор қўл ювиш учун сув тутилади. Шунингдек, овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан чиққач, ҳар қандай иш бажаргандан сўнг ва кўчадан келганда қўлни совунлаб ювишга одатланишнинг хосияти катта.

Ўзбекистонда йил давомида турли туман қўкатлар, сабзавотлар ва полиз экинлари етиштирилади. Айниқса, бу баҳор, ёз, куз ойларида оммавий тус олади. Маҳсулотларни етиштиришда гўнг ва бошқа табиий ўғитлардан фойдаланилади. Уларни касаллик тарқатувчи микроблар билан ифлосланмаганлигига кафолат йўқ. Шунинг учун маҳсулотларни истеъмол қилишдан аввал обдон тоза сувда ювиш, кейин эса қайнатилган сувда чайиш керак.

Ичиш учун яроқли деб тан олинган ариқ, ҳовуз, қудуқ ва ҳатто водопровод сувини ҳам фақатгина қайнатиб ичишга одатланиш лозим. Ўқувчиларни мактабга ўзлари билан бирга ичиш учун 1 литрлик пластмасса идишларда қайнатилган сув ёки яхна чой олиб келишга ўргатиш айни муддао бўлар эди.

Республикамиз мустақилликка эришган қисқа давр ичида дунёнинг кўпгина хорижий давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилди, чет эллик сайёҳларнинг сони кундан-кунга ортмоқда. Келган меҳмонларнинг кўпчилиги уларга яратилган шароитлар билан бир қаторда кўча ва хиёбонларнинг тозалигига эътибор беради албатта. Ҳозирги кунда бу борадаги ишларимизни яхши деб бўлмайди. Агарда, сигарета қолдиқлари, музқаймоқ, сақич, шоколад қоғозлари, писта пўчоқлари ва бошқа майда чиқиндиларни махсус темир яшикларга ташланса озодалик анча яхшиланарди.

## ИШМИ?

Шунингдек, сайёҳлар тўхтаган жойларидаги бозорларга қирадилар ва сотилаётган ноз-неъматлардан баҳраманд бўладилар. Бу жойларда ҳам озодаликка эришиш учун талайгина ишлар қилиниши керак. Бозордаги маҳсулот сотувчилар ўзлари эгаллаган ўринларини тоза тутиши ҳам маданият мезонидир. Қолаверса, бозордаги умумий тозаликнинг ёмонлашувига харидорларнинг кўпайиши ҳам сабабдир.

Умуман турмушда, яшаётган ҳудуд кўчалари, хиёбон ва бозорлардаги тозаликка эътиборни юқори даражага кўтарсак ва амал қилсак оиламиз аъзолари ва республикамиз аҳолисини касалликка, айниқса юқумли ошқозон-ичак касалликларига чалиниб қолишларининг олди олинган бўлади.

**Ш.СИРОЖИДДИНОВ,**
**Республика Саломатлик маркази бош врач муовини, медицина фанлари номзоди.**

## Истиқлол мушоираси

Эшқобил ШУКУР

### ҲУРРИЯТ

Тол бешикка гулдай таянган синглим,
Саҳар-саҳар қушдай ўёнган синглим.

Ўнг тиззангга ул олиб суяр бўлдинг,
Чап тиззангга қиз олиб суяр бўлдинг.

Тол бешикка тўданалар тақасан,
Тов бошидан сочалалар сочасан.

Уй тўрига улинг қуллуқ бўлсин-а,
Минг қўйли ой, қизинг қуллуқ бўлсин-а.

От бошида дардим бор, айтиб ўтай,
Юртдан ният қарзим бор, айтиб ўтай.

Худо қабул қилсин, хуш ният бўлсин,
Болангга бош давлат ҳуррият бўлсин.

* * *

Истиқлол! Мен сени англашим учун,
Қодирий умрини яшамоғим шарт.

Магаданга бориб Усмон Носирнинг
Тўхтаган қўшиғин бошламоғим шарт.
Руҳимга ҳуррият майин ичириб,
Қулликни аёлдай қарғашим керак.
Тилимдан ям-яшил қушлар учириб,
Дилимни худога боғлашим керак.

### ҚАЙТИШ

Пайғамбар кемаси - ҳаёт бешиги,
Раҳмат ёғмурлари ёғди фалакдан,
Бир ёруғ дарича очдим юракдан -
Очилди саодат, севги эшиги.

Унинг пештоқида ям-яшил қушлар,
Ўзидан нур тараб сайрайди оят.
Гулдирак гулдирос солиб олқишлар,
Юз йилда дил сари келибман шояд.

Бу оқшом балқарман ой каби тўлин,
Раҳмат ёғмурлари ёғди фалакдан.
Марҳамат қилингиз, эй аҳли мўмин,
Муҳаббат эшигин очдим юракдан.

## САҲОВАТ

Бардонкўллик Нуриддин Омонбоев эл назарига тушган, саховатли инсонлардан. Тақдир экан, Нуриддин ака тасодифан автоҳалокатга учраб ногирон бўлиб қолди. Узоқ муддат шифохонада ётиб даволанди. Жароҳат олган оёғини олти марта операция қилишди. Бўлмади. Шифокорлар оёқни кесишга қарор қилишди. Нуриддин ака дастлаб рўйхуш бермади.

-Ўлсам ўламанки, аммо оёғимни кесишга рухсат бермайман.

- Дадаси рози бўлинг. Ахир бир оёғи йўқ, фақат сизмисиз, ёруғ дунёда юрганингизга шукур қилсангиз-чи!

Рафиқаси, фарзандларининг маслаҳатлари унга таскин берди. Нуриддин ака ноилож рози бўлди. Операциядан яхши чиқди. Аммо...

- Оёғимни қўлим билан пайпаслаб кўриб, тушкунликка тушган кунларим кўп бўлди,-дейди Нуриддин ака.-Яхшиямки менинг бахтимга умр йўлдошим Рихсихон бор экан. Ҳамиша менга мададкор бўлди. Ҳаётда нимаики яхши иш қилган бўлсам, ҳаммасига унинг меҳри, вафодорлиги сабабли эришдим. Фарзандларим, яхши одамлар атрофимда доимо парвона.

- Шифохонада ётганимда бу ёруғ дунёни яна қайтадан кўраману, оёққа туриб кетаман деб ўйламагандим.

Касалхона кроватида олти ой михланиб ётишнинг ўзи бўлмаган! Куну тун деразадан ташқарига қараб ётардим. Ўша оғир дамларда, агар шифохонадан эсон-омон чиқиш насиб этса, фақат савобли ишлар қиламан, деб ният қилган эдим. Худога минг қатла шукрки ниятимга етдим, шахсий дўкон очдим. Ундан тушадиган фойдани фақат хайрли ишларга сарфлаяпман.

Болалар-мустақил юртимизнинг келажаги. Уларга ғамхўрлик қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Нуриддин ака ўзининг саховатини энг аввало болаларга бағишлади. Бардонкўл қишлоғидаги 20-ўрта мактабнинг йигирма нафар ўқувчисини «Гунча» журналига обуна қилдирди. Синф хоналарга электр ёритгич олиб берди ва таъмирлаш ишларига ҳам моддий ёрдам кўрсатди.

Бундан ташқари Нуриддин ака маҳалладаги кам таминланган оилаларга ҳам тез-тез моддий ёрдам бериб туради.

«Олтин олма, дуо ол»,-дейди доно халқимиз. Кўпчиликнинг дуосини олган бу саховатпеша инсоннинг орзулари бисёр. Унинг меҳнатсевар оиласи бугунги кунда «Дўстлик» жамоа хўжалигидан 35 гектар ер олиб пахта экишди. Келадиган даромаднинг бир қисмини эса яна одамларнинг хайрли ишларига сарфлаш уларнинг эзгу мақсади. Нуриддин ака маҳалладаги қаровсиз қолган боғчани таъмирлаб, болалар учун сўлим оромгоҳга айлантирмоқчи. Маҳалланинг кираверишига эса дарвоза қурдирмоқчи. «Нуриддин» хусусий корхонаси ва «Омонбой» темирчилик устахонасидан маҳалла аҳли мамнун. Чунки устахона темирчилари аҳолига бошқа устахонадагилардан кўра арзонроқ нархда хизмат қилишаётир. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида маҳалла аҳли учун яратилган қулай шароитлардан биридир.

Нуриддин ака ва Рихси опанинг 8 нафар фарзандлари ҳам эл корига яраб, турли касбларда меҳнат қилишаяпти.

Ўн етти нафар набира улар атрофида парвона. Шундай бахтли оила соҳибларининг одамларга қилаётган саховатлари эса мақтовга лойиқдир.

**Холида ИСКАНДАРОВА.**

## Спорт

### ПОЛВОНЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

Пойтахтимизда самбо бўйича VII Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Жаҳон чемпионлари ва кубоги совриндорлари, кўплаб номдор тажрибали полвонлар қатнашган чемпионат кутилганидек кескин ўтди. 10 медалнинг бештаси мезбонларга, иккитаси мўғулистонлик полвонларга ҳамда биттадан Қозоғистон, Россия ва Туркманистон вакилларига тўғри келди.

Полвонларимиздан Шавкат Жўраев (52 кг) Фарҳод Хўжанов (57), Акобир Қурбонов (74), Шуҳрат Хўжаев (90) ва Ботир Ҳасанов (+100)лар шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этишган бўлса, Рауф Болтаев, Игорь Бучинцев кумуш, Абдуқодир Серкеев, Тохир Бобожонов, Дмитрий Беспалько, Ботир Хўжаев ва Маҳмадўст Тошевлар бронза медалига сазовор бўлишди. Ёшлар беллашувида самбочиларимиз Дўстмурод Арзиев , Шавкат Баротов, Чориёр Хаитов, Михаил Бектошев, Салоҳ Муротовлар шарафига юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз мардонавор ҳилпиради. Дамир Шохназаров, Асқар Раҳимов, Озод Илёсов, Муҳаммадали Ишқораев, Рустам Пармонов, Михаил Соколовлар иккинчи, Умидбек Раҳимов, Бахтиёр Шоимов, Улуғбек Тожиевлар учинчи ўринларни эгаллашди.

Ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда ҳам спортчиларимиз маҳорат бобида нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Латиф Латипов, Саидкарим Алимов, Абдулло Тангриев чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлишди. Кумуш медаллар Шерали Қобилов, Равшан Одилов, Жасурбек Жуманов, Отабек Бердиқулов, Ғайрат Иброҳимов, Улуғбек Жабборов ва Шерниёз Салаевларга насиб этди. Толиб Ҳакимов, Алижон Абдуллаевлар бронза медали билан тақдирланишди.

13 олтин, 15 кумуш ва 16 та бронза медалларга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгаллашди.

### БОШ СОВРИН НАМАНГАНЛИКЛАРДА

*I ЁШЛАР СПОРТ ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ*

Жиззахда футбол бўйича биринчи ёшлар спорт ўйинлари якунланди. Бир ҳафта давомида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Финалда Наманган ва Тошкент вилояти терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисобида тугади. Қўшимча вақтда эса наманганлик футболчилар рақиблари дарвозасига ҳал қилувчи тўпни киритиб, биринчи ўринни эгаллашди. Шундай қилиб Тошкент вилояти терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган наманганлик футболчилар республика биринчи ёшлар ўйинларининг ғолиби унвонига сазовор бўлдилар. Учинчи ўрин учун бўлган баҳсда бухороликлар андижонлик футболчиларни 3:1 ҳисобида енгишди. Турнирда иштирок этган барча 14 жамоа футболчиларига ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

**Дониёр ЮСУПОВ.**

### ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Жиззах вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси томонидан тармоқ ходимлари ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари қизғин тарзда бўлди. Унда вилоят давлат муассасалари ташкилотларидан 14 та жамоанинг 170 нафар аъзолари қатнашдилар. Мазкур беллашув иштирокчилари спортнинг минифутбол, шахмат, шашка, яқин масофага югуриш турлари бўйича куч синашдилар.

Спорт беллашувларида айниқса вилоят иқтисодиёт ва статистика, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, солиқ бошқармалари ҳамда вилоят ҳокимлик уйи жамоалари спортчилари фаол иштирок этишди. Шунингдек, Жиззах шаҳар ички ишлар бошқармаси кўриклаш бўлимининг вакиллари спортнинг шахмат, шашка турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Эркаклар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақалари Жиззах туман ҳокимлиги Ж.Жиянов ҳамда вилоят кенгашлар уйидан фойдаланиш бошқармаси ходими Г.Ибрагимовалар биринчиликни қўлга киритишди.

Минифутбол бўйича ўтказилган мусобақада вилоят солиқ бошқармаси жамоаси спортчилари биринчиликни қўлга киритдилар.

Ўтказилган мазкур спартакиада натижасига кўра умумжамоа ҳисобида ғолиблик вилоят иқтисодиёт ва статистика бошқармаси жамоаси вакилларига насиб этди.

Минифутбол бўйича энг яхши дарвозабон деб топилган вилоят ҳокимлиги уйи бошқармаси ходими О.Набиевга дам олиши учун битта бепул йўлланма ажратилди. Шунингдек, спартакиадада фаол иштирок этган жамоалар вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Абдуманнон АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.**

### ҚУТЛОВ!

Суюкли отажонимиз **Абдужалил Бўронов**! Сизни муборак 48 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз! Отажон, бизга бош бўлиб доимо соғ-саломат юринг.

*Фарзандларингиз.*

### Қадрли Моҳирой!

Турмуш қурганингизнинг бир йиллиги билан муборакбод этамиз. Оилангиздан бахт-саодат аримасин.

**Турмуш ўртоғингиз Бахтиёр, укаларингиз Баҳромбек ва Ғаниишер.**

**Мирзо Улуғбек тумани «Сагмин» хусусий фирмаси тугатилади.**

**Даъволар муддати бир ой.**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Тожикистон ҳукумати Афғонистонда кейинги вақтларда кечаётган воқеалар муносабати билан МДҲ мамлакатлари бошлиқларига баёнот билан мурожаат қилиб ҳамдўстлик давлатлари чегараларини хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришга чақирган. Ушбуни шарҳлаган республика ташқи ишлар вазири Талбат Назаров кўрилажак тадбирлар у томондан ўтадиган қочоқларни тўхтатиб қолиш имконини яратишини айтган.**

* * *

БМТнинг Тожикистондаги доимий вакили Ян Кубешнинг эътироф этишича халқаро ташкилотларнинг ўтган ойда ўлдирилган тўрт нафар кишисининг қотилларнинг шахси аниқланган. Кубеш қотилларни тезроқ қўлга олиб, терговни бошлаш лозимлигини, у бошлиқ бўлган ташкилотнинг фаолият кўрсатиши бевосита шунга боғлиқлигини айтган. Япония ҳукумати шу иш юзасидан ўтказиладиган тергов ишларига ўз вакилларини юборишини билдирган.

* * *

**АҚШлик бир гуруҳ денгизчи мутахассислар Қозоғистонга ташриф буюришган. Улар маҳаллий кишиларни ўқитишга жалб қилинганлар. Хабарларга кўра Қўшма Штатлар Каспий денгизида фойдаланиш учун кема ясайдиган бир корхона қуриб беради. Бу корхонада қурилган кемалар нефть ташишда фойдаланилади.**

* * *

Қирғизистоннинг Ўш вилояти давлат божхона қўмитасининг масъул ходими Б.Нўғайбоевнинг «Рейтер» агентлиги мухбирига берган суҳбатидан аён бўлишича кейинги пайтларда Афғонистон ва Шимолий Тожикистондан наркотик моддаларнинг олиб ўтилиши кўпаймоқда. Бунга контрабандистларга қарши курашиш учун етарли техник воситалар камлиги ва чегаранинг узунлиги сабаб бўлмоқда экан. 800 километрли чегарада 60 киши ишлаши бунинг устига гиёҳванд моддаларни олиб ўтувчиларнинг «малакалари» ҳам ошганлиги ҳам ишни қийинлаштираётган экан. Улар эндиликда кўпол гиёҳванд моддаларни эмас, уларни героинга айлантириб олиб ўтаётган эканлар.

## ИШСИЗЛАР ИШЛИ БЎЛИШАЯПТИ

***Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса ишсизларни иш билан таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолини касбга йўналтириш давр талабидир. Бу борада республика Меҳнат вазирлигига қарашли бошқармаларда ибратли тадбирлар ўтказилмоқда.***

***Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Азамат ГАВАШОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.***

**- Айтингчи, вилоятнинг шаҳар ва туман меҳнат бўлимларида ҳисобда турган ишсиз фуқароларга қандай ижтимоий ёрдам кўрсатилаяпти?**

- Шу йилнинг ўтган даврида шаҳар ва туман меҳнат бўлимларига 23996 нафар фуқаро мурожаат қилди. Шундан 8650 нафар киши ўз соҳаси бўйича корхона, ташкилот ва хўжаликларда ишга жойлаштирилди. 1834 нафар фуқарога эса ишсизлик нафақаси тайинланди. Умуман, ҳар бир ариза чуқур ўрганилиб мурожаат қилган кишилар билан юзма-юз мулоқот ўтказилиб, имкони борича уларнинг талаб ва истаклари қондирилмоқда.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги иш ўринлари яратиш 1,5 бараварга ошди. Бу дегани ишсизларни иш билан таъминлаш муаммоси кундан кунга бартараф этилмоқда.

**- Бозор иқтисодиёти шароитида Меҳнат бўлимларининг бир мунча жонланиши табиий. Чунки, бундай даврда аҳоли ўртасида ишсизлик муаммоси жиддий масалалардан бири бўлиб қолади. Шу ҳолатни шарҳлаб берсангиз.**

- Тўғри айтдингиз. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ҳар бир меҳнат жамоаси ўз имконияти асосида иш юритади. Шунинг учун иш ўринлари қисқаради. Натижада ишсизлик муаммоси пайдо бўлади. Буни назарга тутиб меҳнат бўлимлари ходимлари аҳоли, меҳнат жамоалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишаяпти. Ишчи ўринларининг қисқариш омиллари чуқур ўрганилаяпти. Ишсизлик нафақалари тайинланаяпти. Фуқаролар янги иш ўринларига ёки касбга йўналтирувчи махсус қисқа курсларга ўқишга таклиф этилаяпти.

Вилоятимиздаги барча фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларида меҳнат бўлими инспекторлари фаолият кўрсатишаяпти. Ўрта мактабни битирувчилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугатаётганлар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётганлар, шунингдек қамоқ жазосини ўтаб келганларнинг аниқ рўйхатлари ўз вақтида олиниб, ҳар олти ойда бандлик дастури тузилади. Ва шу асосда иш олиб борилади.

Айниқса, жойларда меҳнат бозорларининг ташкил этилаётганлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Масалан яқинда Яккабоғ тумани меҳнат бўлими ташаббуси билан ўтказилган «Меҳнат бозори» ярмаркасида тумандаги 35 та корхона ташкилот, муассаса ва хўжаликларнинг раҳбарлари кадрлар бўлимининг бошлиқлари қатнашдилар. Мавжуд иш ўринлари ва меҳнат жамоасининг шарт-шароитлари ҳақида гапириб бердилар. Ишсизлар билан дилдан суҳбатлашдилар. Иш сўраб мурожаат қилган 421 нафар фуқародан 195 нафари «Меҳнат бозори» ярмаркасининг ўзида ишга жойлашиш учун йўлланма олдилар.

**- Меҳнат Қонунларини бажариш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бўлмаса керак?**

- Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Бандлик дастури асосида жойларда текширишлар ўтказилганда қонун талабларига риоя қилинмаётган ҳолатлар ҳам аниқланди. Масалан, шу йилнинг олти ойи мобайнида 305 та корхона, ташкилот ва хўжаликда текшириш ўтказилди. Шундан 113 та жамоада Меҳнат Қонуни талаблари бузилиши ҳолати аниқланди. 13 та ташкилотда жамоа шартномаси, 39 та корхонада Меҳнат шартномаси бузилган бўлса, 16 та жамоада меҳнат шартномаси қонунсиз равишда ўзгартирилган. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат дафтарчаларини сақлаш ва юритишда ҳам жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди. Меҳнат қонунларини бузганлиги учун 64 нафар масъул шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Жарималар ундириб олинди.

**- Меҳнат бўлими ходимлари зиммасига катта масъулият юклатилган бир пайтда уларнинг тажрибасини мунтазам ошириш талаб этилади...**

- Гапингизга тушундим. Меҳнат бўлимлари мутахассислари аҳолини иш билан таъминлаш, бўш иш ўринлари яратишга кўмаклашишдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажарилишида ҳам фаоллик кўрсатишаяпти. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларни аниқлаш, нафақаларни тайинлаш ва тўланишини назорат қилиш фуқаролар йиғини қошидаги меҳнат бўлими вакиллари зиммасида...

Демак, қилинадиган ишлар кўп. Ходимларимиздан чуқур билим ва тажриба талаб этилади. Шу боис Яккабоғ туманидаги Ҳамза фуқаролар йиғини кенгаши ҳузурида вилоятдаги фуқаролар йиғини кенгашларига биркитилган меҳнат инспекторларининг тажриба алмашиш маркази ташкил этилди. Ҳар ҳафтада туманлардан вакиллар келиб ўзаро тажриба алмашишаяпти. Бу албатта ижобий натижа бераяпти.

**- Санацияга тушган хўжаликларда ишсизлик муаммоси ҳам бўлса керак?**

- Вилоятимиздаги 8 та хўжалик санация қилинди. 4 та хўжаликда меъёридан ортиқча, яъни 2864 ишчи ўрни қисқартирилди. Шундан 1590 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Айрим фуқаролар эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишаяпти. Хуллас, ҳар бир фуқаро диққат-эътиборимизда. Ишсизлар иш билан таъминланса турмуш фаровон бўлади, иқтисодий аҳвол янада яхшиланади.

**Суҳбатдош: Абдулла АЙИЗОВ, «Ишонч» мухбири.**


## КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Ўзбекистон ВАЗ тизимининг фирмаси автомарказлари «Узбек-Лада» акционерлик бирлашмасига бирлашиб «УзДЭУ автоК» акционерлик жамиятининг расмий дилерлари сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобилларини сотишини давом эттирмоқдалар. Биз сизга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, автомобилларнинг исталган рангдаги ҳилма-хил моделлари сотувда ҳамиша бор. Улар «Уз ДЭУ авто К» акционерлик жамиятининг заводидан темир йўл транспорти орқали тўппа-тўғри автомарказларга келтирилмоқда.*

*Сотув жараёнида юқори сифатли хизмат ва ҳужжатларни тезда расмийлаштирилишини кафолатлаймиз. Ташқи кўринишининг кўркамлиги ва ички қисмларининг созлигини таъминлашга қаратилган ҳамда машиналар тагини занглаш ва чиришдан асрайдиган ишловлар берилади. Сотишолди тайёрлигини ўтказиб, кафолат ва кафолатдан кейинги хизматлар кўрсатилади.*







**Ҳақ тўлаш исталган турда**

***Бизнинг манзилларимиз:***

**1. Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси 44-уй,**
**«Узбек-Лада» Акционерлик бирлашмаси. тел: 76-13-11, 76-87-99**
**2. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Савдо расталари**
**қаторидаги автосалон, тел: 144-22-98**
**3. Андижон шаҳри, 5-микрорайон, Амир Темур кўчаси 18. «Шаҳрихон-Лада» АЖ.Тел:(8-374-2) 26-95-48, 26-73-26.**
**4. Фарғона шаҳри, Тўқимачилар кўчаси 3 «Фарғона-Лада» АЖ. Тел:(8-373-2) 25-66-71, 25-74-92.**
**5. Наманган шаҳри, Айний кўчаси 88 «Наманган-Лада» АЖ. Тел: (8-369-22) 4-28-44, 4-28-08.**
**6. Янгиер шаҳри, 37- квартал, «Янгиер-Лада»АЖ. Тел:(8-363-3) 72-33-78, 72-27,20.**
**7. Жиззах шаҳри, Р.Исаеф кўчаси «Санзор-Лада» АЖ.Тел:(8-372-22) 3-47-69.**
**8.Бухоро шаҳри, Моҳи-Хоса кўчаси 22 «Ситора-Лада» АЖ. Тел:(8-365-22) 4-49-80, 4-56-65.**
**9. Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 3.ЗАЗ автомаркази АЖ.Тел:(8-366-2) 29-17-25.**
**10. Қарши шаҳри, Нақшаб кўчаси 99.»Қашқадарё-Лада»АЖ. Тел: (8-375-22) 3-69-92, 3-62-22.**
**11. Ангор шаҳри, Ангор тумани, М.Азизов номли жамоа хўжалиги, « Сурхон-Лада» АЖ. Тел: (8-376-31) 2-26-60, 2-29-86.**
**12. Навоий шаҳри. Кармана,Рахимов кўчаси 6.»Навоий-Лада» АЖ. Тел: (8-436-53) 3-42-15,2-37-14.**
**13. Хива шаҳри, Обводная кўчаси, «Аму-Лада» АЖ. Тел: (8-362-37) 5-36-97.**
**14. Нукус шаҳри, Беруний кўчаси. «Орол-Лада» АЖ.Тел: (8-361-22) 3-36-00.**



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхонанманзили: «Буюк Турон»кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00.

Буюртма Г— 0258. Нусхаси — 15.088. Масъул навбатчи : Абдулла АЙИЗОВ